

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
акциядорлари умумий йиғилишининг
2016 йил 10 июндаги 42-сонли қарорига
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида
ички назорат тұғрисида
НИЗОМ**

Муқаддима

1-§. Банк ички назорат органлари таркиби ҳамда улар аъзоларининг малакасига талаблар

2-§. Банк ички назорат органлари ҳисоботлари таркиби ва уларни шакллантириш регламенти

3-§. Банк ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал аудиторлик ташкilotини жалб қилиш

4-§. Банк ички назорат органлари ишини мониторинг қилиш механизми ва улар аъзоларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш тартиби.

Мазкур Низом Корпоратив бошқарув кодексининг 16-бандига мувофиқ ишлаб чиқилди ва “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида (кейинги ўринларда – Банк) ички назорат органлари (Банк тафтиш комиссияси ва Ички аудит департаменти) таркиби ҳамда улар аъзоларининг малакасига талаблар, Банк ички назорат органлари ҳисоботини шакллантириш, ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш, ички назорат органлари аъзолари меҳнатини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

**1-§. Банк ички назорат органлари таркиби
ҳамда улар аъзоларининг малакасига талаблар**

1. Банк тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар ёки уларнинг вакиллари ичидан бир йил муддатга сайланади.

Айни бир шахс Банк тафтиш комиссияси таркибиغا кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк кенгаши аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Банқда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

2. Банк тафтиш комиссияси аъзолари бажараётган вазифаси характерига мос бўлган олий маълумотга эга бўлиши ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларини билиши лозим.

3. Ички аудит департаментининг микдор таркиби ички аудит вазифаларини самарали ҳал этиш учун етарли бўлиши талаб этилади.

4. Ички аудит департаменти ходимлари малакасига қўйидаги талаблар қўйилади:

а) бажараётган вазифалари характерига мос бўлган олий маълумотга эга бўлиш;

б) тижорат банкининг пул муюмласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи билан боғлиқ таркибий тузилмаларида камида уч йиллик

иш стажига эга бўлиш;

в) департамент директори тижорат банкининг юқорида қайд этилган таркибий тузилмаларида раҳбарлик лавозимида камидаги йиллик ёки аудит хизматида камидаги иккита йиллик иш стажига эга бўлиш;

г) банк фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни билиш;

д) мамлакатимизда белгиланган бухгалтерия хисоби, шунингдек бухгалтерия хисоби ва аудитга оид халқаро стандартларни қўллаш бўйича билимга эга бўлиш.

2-§. Банк ички назорат органлари ҳисоботлари таркиби ва уларни шакллантириш регламенти

5. Банк тафтиш комиссияси Банк акциядорлари умумий йиллик йиғилишига Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тафтиши якуни юзасидан хulosада тақдим этади, бу хulosада қўйидагилар қайд этилади:

а) Банк ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига берилган баҳо;

б) бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот.

6. Банк тафтиш комиссияси Банкка аффилланган шахслар билан тузилган битим ва иирик битим мавжудлиги, шунингдек бундай битимни тузишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк ички норматив ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисида хulosани ҳар чоракда Банк кенгаши мажлисига олиб чиқади.

7. Ички аудит департаменти Банк таркибий тузилмасида/филиалида аудиторлик текширувини якунлагандан сўнг, аудиторлик ҳисоботини зудлик билан тайёрлаши зарур.

Аудиторлик ҳисоботи бевосита Банк кенгашига ёки Банк аудиторлик қўмитасига топширилади.

Аудиторлик ҳисоботи аудит мақсади ва обьекти, ички аудит кўлами, аниқланган муаммо ва камчиликлар, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа бўйича аниқ тавсияларни ўз ичига олади.

Тавсиялар аниқланган муаммоларнинг қисқача изоҳи, уларни бартараф қилишга доир қўриладиган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга оширишга шахсан жавобгар бўлган ходимлар ҳамда чора-тадбирларни бажариш муддатини акс эттириши лозим.

8. Ички аудит департаменти Банкка аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни Банк бошқаруви билан биргаликда ўрганиш натижалари ҳақида баённомани Банк кенгашига тақдим этади.

3-§. Банк ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал аудиторлик ташкилотини жалб қилиш

9. Банк ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун белгиланган тартибда мустақил профессионал аудиторлик ташкилоти жалб қилинади ва ушбу ташкилот томонидан Банкнинг йиллик фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилади. Бунда Банк ташқи аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлайди.

10. Мустақил профессионал аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган аудиторлик текшируви Банк ички назорат тизими ҳолати, Банк молиявий ҳисоботининг ишончлилиги, молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисобига оид халқаро стандартларга мувофиқлигига холисона баҳо бериши лозим.

4-§. Банк ички назорат органлари ишини мониторинг қилиш механизми ва улар аъзоларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш тартиби

11. Банк ички назорат органлари фаолияти бевосита Банк кенгаши томонидан мониторинг қилинади ва қўйидаги тартибда олиб борилади:

- а) Банк тафтиш комиссияси ва Ички аудит департаменти томонидан тузилган ҳисоботларни кўриб чиқиши;
- б) Банк молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланганда ёки Банк манфаатига жиддий таҳдид вужудга келганда, агар бу масала Банк акциядорлари умумий йиғилишида ҳал қилиниши лозим бўлса, Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва масалани мухокама қилиши;
- в) Банк тафтиш комиссияси ва Ички аудит департаменти томонидан тақдим этилган маслаҳат, тавсия ва кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиши;
- г) мунтазам равишида Банк тафтиш комиссияси ва Ички аудит департаменти ҳисоботларини эшлиши ва мухокама қилиши.

12. Банк ички назорат органлари аъзолари меҳнати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк ички норматив ҳужжатларига мувофиқ моддий рағбатлантирилади.